


## САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятда фаолият қўрсатаётган саноат корхоналари томонидан ҳажми 3441,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-март ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)




Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 105,5 фоизга, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашнинг 94,7 марта, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 105,4 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 109,9 фоизга ўсиши ҳисобланди.

**2019 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини  
ишлаб чиқариш**

	млрд. сўм	<i>ўсии суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>3441,1</b>	<b>104,6</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>270,5</b>	<b>94,7</b>
<b>улардан:</b>		
Кўумир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	205,6	92,5
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	3,5	92,7
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	61,4	103,4
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>	<b>3032,3</b>	<b>105,5</b>
<b>ундан:</b>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари маҳсулотлари ишлаб чиқариш	447,8	102,3
Ичимликлар ишлаб чиқариш	9,8	88,6
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	746,7	122,1
Кийим ишлаб чиқариш	78,9	117,9
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1,8	99,4
Ёғоч ва пўёкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	0,7	103,2
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	9,8	117,8
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,0	121,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1461,6	100,1
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	44,0	74,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	2,3	86,6

	млрд. сүм	ўсии суръати, фоиз ҳисобида
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	9,0	97,8
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	142,9	112,9
Металлургия саноати	1,2	62,9
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	43,2	96,9
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	0,1	97,4
Мебел ишлаб чиқариш	15,5	114,1
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	0,1	107,7
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	15,9	103,9
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>101,9</b>	<b>105,4</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш</b>	<b>36,4</b>	<b>109,9</b>

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**  
 (умумий ҳажсмга нисбатан фоиз ҳисобида)  
 (январь-март)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

## Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда,

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 270,5 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 97,4 фоизни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар – 103,4 фоизга ошган, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш – 92,5 фоизни, тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият – 92,7 фоизни ташкил қилган.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-март	2018 йил январь-маргта нисбатан %
Нефт	минг тн.	4,8	109,0
Табиий газ	млн.м.куб	1104,7	92,6
Газ конденсати	минг тн.	12,4	85,5

### Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3032,3 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 105,5 фоизни ташкил этди.

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-март	2018 йил январь-маргта нисбатан %
Бензин	минг тн.	171,1	89,4
Дизел ёқилғиси	минг тн.	191,0	109,1
Мазут	минг тн.	17,0	85,0

Керосин	МИНГ ТН.	31,2	91,5
Суолтирилган газ	МИНГ ТН.	2,4	143,1
Ароқ	МИНГ Л. 100% спирт	260,8	56,1
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	МИНГ Л. 100% спирт	2,4	23,8
Узум виноси	МИНГ Л.	169,4	49,8
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	МИНГ ТН.	21,2	113,8
Тозаланган ўсимлик ёғи	ТН.	9522,0	98,4
Омихта ем	ТН.	10401,5	107,3
Пахта толаси	МИНГ ТН.	46,2	115,6
Пахта чигити	МИНГ ТН.	69,4	118,4
Пахта (линти)	ТН.	4065,5	117,8

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 102,3 фоизга, мебел ишлаб чиқариш 114,1 фоизга, текстил маҳсулотлари 122,1 фоизга, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари 86,6 фоизга, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш 97,4 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 0,1 фоизни, ўрта-юқори технологияли 1,4 фоиз, ўрта-қуи технологияли 55,2 фоиз, қуи технологияли 43,3 фоизни ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2019 йилнинг январь-март ойларида 12,2 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**Жорий йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқаришнинг  
технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда**



**Электр, газ, бүг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш**

Электр, газ, бүг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 101,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 105,4 фоизни) ташкил этди.

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-март	2018 йил январь-мартаға нисбатан %
Бүг ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	408,8	87,1

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш**

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 36,4 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 109,9 фоизни) ташкил этди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш**

Хисобот даврида 941,8 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-мартига нисбатан 102,4 фоизни ташкил этди. Жумладан, 340,4 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 601,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари

(2018 йил январь-мартга нисбатан мос равиша 103,1 фоиз ва 102,1 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб кувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш хажми 941,8 млрд.сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 102,4 фоизга ўсиши таъминланди, жами саноатдаги улуши эса 27,4 фоизни ташкил этди.

	млрд. сўм	<i>ўсиши суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>941,8</b>	<b>102,4</b>
<b>шу жумладан:</b>		
озиқ-овқат товарлари	340,4	103,1
ноозиқ-овқат товарлари	601,4	102,1

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 332,4 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 35,3 фоиз, ноозиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 601,4 млрд.сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 63,9 фоиз, алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш 8,0 млрд.сўм ҳисобланиб жами истеъмол товарларидаги улуши 0,8 фоиз ташкил этди.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Шофиркон (3,7 фоиз), Пешку (2,5 фоиз ) ва Олот (2,4 фоиз) туманларига тўғри келади.


**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да  
(январь-март ойлари учун)**




## Шаҳар ва туманлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат килмоқда. Бухоро вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Қоровулбозор тумани (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 44,0 фоиз улуши), Бухоро шаҳри (10,7 фоиз), Ромитан тумани (8,8 фоиз), Фиждувон тумани (6,1 фоиз) туманлари хиссасига тўғри келади.

*2019 йилнинг январь-март ойларида шаҳар ва туманларнинг жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши, % ҳисобида*



*2019 йилнинг январь-март ойларида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да*




2019 йилнинг январь-март ойида шаҳар ва туманларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши энг кўп Бухоро шаҳрида - 24,9 фоиз, Қоровулбозор туманида – 20,5 фоиз ҳамда Гиждувон туманида - 8,8 фоизни ташкил қилди.

### **Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси**

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,6 фоизга ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши эса 23,6 фоизни ташкил этмоқда.

#### **2019 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши**



Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлил қилингандар, Қоровулбозор туманида (83658,3 минг сўм), Когон шаҳрида (3030,0 минг сўм), Ромитан туманида (2170,1 минг сўм) ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (1813,6 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши вилоят даражаси 496,4 минг сўм бўлгани ҳолда, Қоровулбозор туманида 10685,7 минг сўмни, Когон шаҳрида 895,1 минг сўмни, Бухоро шаҳрида 844,0 минг сўмни минг сўмни ташкил этди.